

сувдан фойдаланиш за окова сувларни чиқариш учун тўловлар Қоидаларнинг 87-бандининг "б" кичик бандига мувофиқ амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва окова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш асбобларини ишга тушириш, алмаштириш, янги субистеъмолчиларнинг уланishi Истеъмолчи томонидан фақат Таъминотчи тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар Истеъмолчининг сўровмасаси олинган техник шартларни ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. Таъминотчидан бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши Таъминотчи томонидан, Истеъмолчи ва ҳуриллиш тақвирнинг вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва окова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан Истеъмолчи билан тузилган шартнома ўз кучини сақлаб қолади ва Истеъмолчи кўрсатилган хизмаглар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Қуйидагилар Таъминотчи билан Истеъмолчи ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва окова сувларни чиқариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоққа уланишини узиб қўювчи кириш кўлифи. Кириш кўлифи билан ичимлик сувга уланиш, Истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) окова сувларни чиқариш (канализация) учун — Истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуқтасидаги чиқарув кўлуғи. Агар чиқарувчи канализация кўлуғи (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу кўлук Таъминотчи коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисобланганиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса Истеъмолчининг маблағи ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) Таъминотчидан, ушбу шартнома асосида, ичимлик сув ва окова сувни чиқариш хизматларининг узлуқсиз равишда ёки Истеъмолчи билан келишилган график асосида амалга оширилишини. Ўз мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат (O'ZSt 950:2011 давлат стандартига мувофиқ) ва микдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) Таъминотчидан сувни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш, уларни белгиланган тартибда ва муддатларда назоратдан ўтказишни талаб қилиш;

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун Таъминотчидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тулашни талаб қилиш;

г) Таъминотчини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қамада 15 кун олддин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатга сув таъминоти ёки окова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизмаглар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизмаглари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вақили орқали бепул олиш;

е) Таъминотчидан ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизмаглари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шарҳлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш бўйича хизмаглар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги даволатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида Таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сув билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзларининг ҳудудида ва тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқлари ҳамда қурилмаларининг зарур даражада кўрикланишини таъминлаш, уларнинг бузилиши, сув босиши ва музлаб қолишига йўл қўймаслик, кўдукларнинг қоққонини муз ва қордан тозалаш, Таъминотчи томонидан ўрнатишган пломбаларнинг сақланишини назорат қилиш, ер усти сув оқимларининг кўдуклар ёнидан оқибди юрилишини таъминлаш, ёнгин гидрантларига кириб бориш йўлакларини тирбанд қилмаслик, ёнгин гидрантлари кўрсаткичларининг ишга яроқлилигини кузатиб бориш ва мавжуд бўлган ёнгин гидрантларини ва ёнгин кранларини пломбалаш учун тақдим қилиш;

в) турли предмет ва материалларнинг уюм бўлиб сақланишига, шунингдек ўз ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ичимлик сув, канализация тармоқлари ва қурилмалари устида ҳамда ичимлик сув ва канализация ташқи жойлашувда бўлган (кўчада ва квартал ичида) ерларда бир-бир иншоотларни қуришга йўл қўймаслик. Амалдаги тармоқларда ўзбошимчалик билан қурилган иншоотларда авария содир бўлган тақдирда етказилган зарар учун жавобгарлик қонидан бузганининг зиммасига юкланали;

г) транзит коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлар ва қурилмалардаги ўзлари аниқлашган носозликлар ёки шикастланишлар ҳақида Таъминотчига зудлик билан хабар бериш;

д) сувни ҳисобга олиш асбобларида яққол кўриниб турган носозликлар аниқланганда (шу жумладан, тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги қолат бўйича ҳам) Таъминотчига унинг электрон почтаси орқали ёки унинг ягона "Call Markazi (1255)" рақамига кўнгирок қилган ҳолда хабар бериш;

е) шартнома доирасидаги мажбуриятларини бажариш, жорий ойнинг 23-25-санасида сувни ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини тўғри ва ўз вақтида қайд қилиб бориш, жорий ойнинг сўнгги санасигача Таъминотчига кўрсаткич маълумотларни жонлашган манзилга бортан ҳолда тақдим этиш ва тўловларни амалга ошириш;

ё) сув сарфи ва окова сувлар оқибдилигининг шартномада белгиланган ҳажмлардан ошириб юборилишига йўл қўймаслик;

ж) субистеъмолчилардаги сув сарфини назорат қилиш ва барча турдаги сувни йўқотишлар олдидан олиш бўйича чоралар қўриш;

з) ўзига қарашли ва у хизмат кўрсатиши лозим бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлар ва қурилмалардан техник жиҳатдан самарали фойдаланишни таъминлаш;

и) ишлаб чиқариш окова сувларидаги ифлосланиш концентрациясини нормативдаги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан) таъминлаш.